

**“Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти  
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши  
2-сонли баённомаси**

2023 йил 15 сентябр  
соат 11-00

Хонқа тумани, Муллаён 64 уй

**Йиғилиш раиси:** Н.Ж.Жумаев - Кузатув кенгаши раиси

**Иштирок этганлар:** “Ўздонмаҳсулот” АК вакили Н.Ж.Жумаев “Хонқа дон маҳсулотлар” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари (рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)

Жами овоз берувчи акциялар 18323548 (Ўн саккиз миллион уч юз йигирма уч минг беш юз қирқ саккиз) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 12722056 дона. Йиғилиш кворуми 69,43 фоиз.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Кузатув кенгаши раиси Н.Жумаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан, акциядорлар томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очик овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

<b>Т.Р.</b>	<b>Фамилия, исми ва шарифи</b>	<b>Лавозими</b>
1	Маматов Худашукур	“Хонқа дон маҳсулотлари” бош иқтисодчи
2	Аминов Умидбек	“Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ етакчи маркетолог
3	Каримов Эркин	“Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ ҳисобчиси

**Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.**

Шундан сўнг, Кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев акциядорларнинг умумий йиғилишни олиб бориш тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 5 дақиқа, муҳокама учун 3-5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танаффуссиз якунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

**Қуйидаги (олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:**

1. Умумий йиғилиш иш регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.
3. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини моддий рағбатлантириш тугрисидаги Низомга ўзгартириш киритиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 13 апрелдаги ТИФ Миллий банк фойдасига 1 200 263,65 АҚШ долларини “Хонқа дон махсулотлари” АЖ дан ундуриш қарори бўйича ушбу қарздорликни жамият бухгалтерия балансига кирим қилиниши, ҳамда тўланадиган қарз маблағларини Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 32-моддасига асосан жамияти балансида шаклланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш захира фонди хисобидан коплаш.

Кузатув кенгаши раиси Н.Жумаев юқорида келтирилган кун тартиби бўйича қўшимча таклиф ёки эътирозлар бўлмаса очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Таклиф этилган кун тартиби бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

Йиғилиш раислигига Н.Ж.Жумаев, котиблигига жамият хисобчиси Қ.Юлдашева номзодлари таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига “Ўздонмахсулот” АК Кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев, аъзолари бошқарув раиси Р.М.Абдуллаев, молиявий фаолият, махсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Р.К.Авезов, Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда

кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор Б.А.Шерлиев, бош ҳисобчи А.С.Гаиповлар номзодлари таклиф этилди.

Кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Кун тартибидаги учинчи масала жамият юзасидан молиявий-фаолият, маҳсулот сотиш ва сотиб олиш бўйича директор Аvezов Руслан Комилжанович “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ акциядорларининг 2022 йил 23 декабрдаги умумий йиғилишида тасдиқланган “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш туғрисида” ги ички Низомига ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун асосий (ойлик) рағбатлантириш Кузатув кенгаши раисига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баробаридан 6 баробар миқдорида, Кузатув кенгаши аъзосига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаридан 5 баробар миқдорида ва Молия ҳисобот йилида ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун жамиятнинг йил йил якунлари бўйича кўшимча рағбатлантириш Кузатув кенгаши раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баробаридан 6 баробар миқдорида, Кузатув кенгаши аъзосига Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаридан 5 баробар миқдорида ўзгартиришлар киритиш ва жамиятнинг “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш туғрисида” ги ички Низомига ўзгартиришлар киритиш таклифини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартибидаги ушбу учинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

т/р	Тарафдорлар	Қаршилар	бетарафлар
3	12722056 (100 фоиз)	Йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан, кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев “Хонқа дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти бош ҳисобчисининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 13 апрелдаги ТИФ Миллий банк фойдасига 1 200 263,65 АҚШ долларини “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ дан ундуриш қарори бўйича ушбу қарздорликни жамият бухгалтерия балансини балансдан ташқари сечига кирим қилиниши ва миллий валюта (сўм)да тўланадиган ушбу қарздорликни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кунлик валюта курси бўйича ҳисоб китоб қилиш туғрисида йиғилиш иштирокчиларига ҳисобот берилди ва муҳокама

қилинган ҳисоботни овозга қўйиш таклифини берди:

**Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича:*

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
4	12744040 (100 фоиз)	Йўқ	йўқ

### **УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖнинг бугунги умумий йиғилишини олиб бориш тартиби ва регламенти тасдиқлансин.

2. Акциядорлар томонидан кўриб чиқилиб тавсия этилган “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖнинг бугунги умумий йиғилиш санок комиссияси сони ва таркиби тасдиқлансин.

3. “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ акциядорларининг 2022 йил 23 декабрдаги умумий йиғилишида тасдиқланган “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш туғрисида” ги ички Низомига ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун асосий (ойлик) рағбатлантириш Кузатув кенгаши раисига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баробаридан 6 баробар миқдорида, Кузатув кенгаши аъзосига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаридан 5 баробар миқдорида ва Молия ҳисобот йилида ўз функция ва мажбуриятларини бажарганлиги учун жамиятнинг йил йил якунлари буйича кўшимча рағбатлантириш Кузатув кенгаши раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баробаридан 6 баробар миқдорида, Кузатув кенгаши аъзосига Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаридан 5 баробар миқдорида белгилансин ва жамиятнинг “Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш туғрисида” ги ички Низомига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 13 апрелдаги ТИФ Миллий банк фойдасига 1 200 263,65 АҚШ долларини “Хонқа дон маҳсулотлари” АЖ дан ундуриш қарори бўйича ушбу қарздорликни жамият бухгалтерия балансини балансдан ташқари сечига кирим қилинсин ва миллий валюта (сўм)да тўланадиган ушбу қарздорликни Ўзбекистон Республикаси Марказий

банкнинг кунлик валюта курси бўйича ҳисоб китоб қилинсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 32-моддасида кўрсатилган тартиб бўйича резерв капитали ҳисобидан ҳисобдан чиқариб борилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини таъминлаш жамият бошқаруви раиси Р.М.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси**

**Н.Жумаев**

**Йиғилиш котиби**

**Қ.Юлдашева**

Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана 23 сентябр 2023 йил .